

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2018
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари 12

КИМЁ

М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири 17

М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилиниң тақомиллашган усуллари 20

Н.ТЎЛАКОВ, И.АСҖАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси 32

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари 35

М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари 38

ТАРИХ

У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бақр Фарғоний 43

Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида 46

А.НИШОНОВ

Султон Сайдхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси 50

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари 53

Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари 56

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси 59

С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси 66

Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) 69

УДК: 301+368.4

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Абдураҳмонова, Б.Толибов

Аннотация

Мақолада ижтимоий сиёсат тушунчаси давлатнинг шу йўналишдаги аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги ва меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиши, ижтимоий - демографик гурӯҳ сифатида ёшлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, таълим ва фан соҳасидаги самарали исплоҳотларни амалга ошириш каби жамият ҳаётидаги устувор йўналишларни қамраб олиши ёритилган.

Аннотация

Статья посвящена приоритетным направлениям социальной политики государства, как то защита и поддержка социально уязвимых слоев населения, урегулирование занятости населения и трудовых отношений, обеспечение гарантий прав молодежи в качестве социально-демографической группы, повышение социальной активности женщин и уровня жизни населения, проведение эффективных реформ в сфере науки и образования.

Annotation

Taking into account the essence of the concept of social policy, it is important to support socially vulnerable groups of population, to ensure social protection of the young people as a social demographic group, to increase the social activity of women, and to improve the well-being of the population and implement effective reforms in education and science.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий фаоллик, ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳа, глобализашув.

Ключевые слова и выражения: социальный, политический, экономический, правовой, социальная активность, социальная политика, социальная сфера, глобализация.

Keywords and expressions: social, political, economic, legal, social activity, social policy, social sphere, globalization.

Мустақиллик туфайли юртимизда барча соҳалар, шу жумладан, ижтимоий йўналишда ҳам кенг қўлламили исплоҳотлар олиб борилмоқда. Фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Узбекистонда инсон омили энг олий қадрият деб баҳоланиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосини ижтимоий иш ташкил этади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий исплоҳотлар дастурида узлуксиз устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб, исплоҳотларнинг барча босқичларида мухим ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлиниң етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

М.Абдураҳмонова – ФарДУ ижтимоий иш кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Б.Толибов – ФарДУ ижтимоий иш кафедраси ўқитувчisi.

“Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган исплоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик түғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мухим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидағи аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилган” [2.41].

Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича ижтимоий иш ходимининг ўрнини тадқиқ этишининг долзарблиги қуйидагилар билан ҳам изоҳланади:

биринчидан, қадимдан ижтимоий соҳа ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одати, менталитети, қадриятлари асосида ривожланиб келган. Айниқса, бу азалий қадрият сифатида бизнинг

ИҚТИСОДИЁТ

халқимиз орасида минг йиллардан буён давом этиб келади. Албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, қоидалари мавжуд бўлиб, унинг асосий ўзагини ташкил этади. Инсоният тараққиётида миллий қадриятлар асосида, урф-одатлар билан ахлоқ-одоб ўртасидаги муносабат, бир-бирига ёрдам, биродарлик асосида тузилган бўлиб, бу, турли кўринишларда намоён бўлади. Айнан бу каби омиллар ижтимоий иш ходими касбий - ахлоқий фазилатлари сифатида эътироф этилади;

иккинчидан, жаҳон халқлари глобал муаммоларини ҳисобга олиб, кўпчилик фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу ижтимоий иш соҳа ҳужжатларида ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини ва мазмун-моҳиятини топмоқлигини зарурий мажбурият, деб тан олинади. Ижтимоий иш ходимлари Миллий ассоциацияси ижтимоий иш ходими касбини “инсонлар, гуруҳлар ёки ҳамжамиятларга ижтимоий фаолиятлари учун имкониятларни ошириш ёки тиклаш масаласида ва ушбу мақсадларни бажаришда имкон берувчи ижтимоий шароитларни яратишда уларга ёрдам кўрсатувчи ижтимоий фаолият”, деб таърифлаганлар [3.6]. Ижтимоий хизмат ходимининг касби жаҳон андазаларига хос бўлиб, у ривожланган мамлакатларда, айниқса, ўзининг ифодавий кўринишига эга бўлган зарурий касб саналади. Чунки ҳар бир ёрдамга муҳтож инсон кимдантир мадад олиш учун чора излайди. Ана шу пайтда ижтимоий хизмат ходимининг фаолияти зарурий саналиб, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошилади ва ёрдамга муҳтож инсонларга у ижтимоий ёрдами кўрсатади;

учинчидан, инсонпарварлик туйғуларини ўзида мужассам этган ўзек халқи урф-одатларидаги кўринишлар ва унсурлар ижтимоий ишнинг маълум бир йўналишини ва тамойилларини акс эттиради, бугунги куннинг талабларига жавоб берувчи тамойилларга уйғунлашиб кетади. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Отабоболаримиз асрлар давомида тилимизни, динимизни ва миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаб, ана шу маънавий-ахлоқий мезонлар асосида соғлом авлодни вояга етказганлар. Бу билан улар миллат тараққиётига, давлат мустаҳкамлигига ва мамлакатнинг цивилизация сари йўл тутишига замин яратганлар. Юқорида таъкидланган ишларнинг бардавомлиги ижтимоий ишда

яққол кўзга ташланади. Ижтимоий иш - ижтимоий ўзгаришларга, инсоний муносабатлардаги муаммоларни ҳал этишга, шунингдек, одамларинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун имкониятлар ва эркинликларни инъом этишга ёрдам беради. Инсон хулқ-атвори ва ижтимоий тизимлар назариясидан фойдаланган ҳолда ижтимоий иш атроф-муҳит билан ҳамкорлик қилувчи одамлар мавжуд бўлган жойларда юзага келади;

тўртингидан, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тамойиллари ижтимоий ишнинг негизини ташкил қиласди. Ушбу таъриф ва изоҳлар кенг ахлоқий тамойиллар ва инсон ҳуқуқлари тамойиллари асосида ишлаб чиқилгандир. Бугунги кунда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давр талаби сифатида жамиятимиз дикқат марказида турибди. Бунинг учун биринчи навбатда болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга нисбатан кўрсатиладиган зулм, зўравонликтарнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этишидан мисол тариқасида кўриш мумкин. Чунки инсон шаклланишининг бош бўғини бўлган болалик даври катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий сиёsat – давлат сиёsatининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ижтимоий соҳадаги барча жараёнларни тартибга солади, шунингдек, инсон омилини тўла намоён бўлишига ёрдам берадиган ва мужассам қиладиган жараён. Демак, ижтимоий сиёsat кенг маънода жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, давлат ҳокимияти, унинг ички ва ташки фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфаатларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Ижтимоий сиёsat тушунчасининг мазмун ва моҳиятига эътибор қаратсақ, давлатнинг ижтимоий сиёsatи мавжуд аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги ва меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, ижтимоий демографик гуруҳ сифатида ёшлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, таълим ва фан соҳасидаги самарали ислоҳотларни амалга ошириш каби жамият ҳаётидаги устувор вазифаларни қамраб олади.

Бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий ҳаётида тобора ўз ўрнини топиб бораётган ижтимоий иш касби эгалари юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни ташкил этувчи асосий куч эканлиги яққол сезилмоқда. Чунки ижтимоий обьектларни бошқариш ва улар билан ишни ташкил этиш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий иш соҳасининг ўзи тўлиқ амалиётга жорий этилмаган, ахоли эса бу соҳа ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳатто раҳбар ходимлар доирасида ҳам кўп ҳолларда хайр-саҳоват ишларини амалга ошириш тушунчаси даражасида бўлиб, ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш касбий ижтимоий иш тушунчаси нуқтаи назаридан ҳали тўлиқ идрок этилмаяпти. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ижтимоий ишни кенг ва тор маъноларда ёритишга ҳаракат қилдик:

Ижтимоий иш кенг маънода - ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий ёрдамнинг ўзига хос моделидир. Уни жамият аниқ бир тарихий даврда ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланишнинг хусусиятларига мос равища рўёбга чиқаради [4.11]. Ўзбекистонда инсонпарварлик, меҳр-мурувватлилик, хайр-саҳоват кўрсатиш тарихан азал – азалдан

шаклланиб келган бўлиб, агар буларни мисол тариқасида олсан, ижтимоий иш касби биз учун янги соҳа эмаслигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, бугунги куннинг долзарб ҳодисаси сифатида Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлган Ҳаракатлар стратегиясидаги тўртинчи йўналиш - ижтимоий соҳаларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларида белгилаб берилган вазифалар яққол мисол бўла олади.

Кенг маънода ижтимоий ишнинг обьекти: барча инсонлар ҳисобланади. Бу, аҳолининг барча қатламлари ва гурухларининг ҳаётий фаолияти кўп жиҳатдан жамият тараққиётининг даражаси, ижтимоий соҳанинг аҳволи, ижтимоий сиёсатнинг мазмуни, уни амалга ошириш имкониятлари билан аниқланадиган шартшароитларга боғлиқдир [4.12]. Ушбу шартшароитларни ривожлантириш, модернизациялаш ва такомиллаштириш Ўзбекистонни янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топмоқда [1].

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари:



ИҚТИСОДИЁТ



Юқорида қайд этилганидек, қадимдан ижтимоий соҳа ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одати, менталитети, қадриятлари асосида ривожланиб келган. Айниқса, бу, азалий қадрият сифатида бизнинг халқимиз орасида минг йиллардан бўён давом этиб келади. Албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, қоидалари мавжуд бўлиб, унинг асосий ўзагини ташкил этади. Инсоният жамияти тараққиётида миллий қадриятлар асосида, урф-одатлар билан ахлоқ-одоб ўртасидаги муносабат, бир-бирига ёрдам, биродарлик асосида тузилган бўлиб, бу, турли кўринишларда намоён бўлади. Айнан бу каби омиллар ижтимоий иш ходими касбий-ахлоқий фазилатлари сифатида эътироф этилади.

Ижтимоий иш - тор маънода ижтимоий зарурий фаолият бўлиб, инсонлар, ижтимоий гуруҳларга шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни енгишда ёрдам беришга қаратилган фаолият [4.11].

Тор маънода ижтимоий ишнинг обьектлари:

- соғлиги туфайли ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал эта олмайдиган аҳоли гуруҳи;
- экстремал – энг паст ёки энг юқори даражадаги кўрсаткичлар билан хусусиятланадиган шароитга тушиб қолган одамлар гуруҳи;
- кексалик – нафақа ёшига етиб, ишдан кетганлиги туфайли қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолганлар;
- девиант–хулқ - атворнинг турли шакллари ва турлари билан гуруҳлар;
- омадсиз–иши юришмай қолган тоифадаги оилалар;
- болаларнинг фавқулодда аҳволи (етимлик, доимий яшаш жойининг йўқлиги ва ҳоказо);

–дарбадарлик–бошпанасиз қолганлар ва бундан бошқа кўплаб гуруҳларга бўлиш мумкин [7.13].

Жаҳон ҳалқлари глобал муаммоларни ҳисобга олиб, кўпчилик фикрини қўллаб-кувватлаган ҳолда ушбу ижтимоий иш соҳа ҳужжатларида хуқуқий нормалар ўз ифодасини ва мазмун-моҳиятини топмоқлигини зарурий мажбурият, деб тан олинади. Ана шу пайтда ижтимоий хизмат ходимининг фаолияти зарурий саналиб, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошилади ва ёрдамга муҳтоҷ инсонларга ўз ижтимоий ёрдамини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ кучли сиёsatни амалга ошира бошлади, жумладан, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қариялар, етим-есирларни қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор берила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари, ўнлаб хуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганилиги, шунингдек, бир қатор йилларнинг “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Меҳр ва мурувват йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши мамлакатда ижтимоий соҳанинг бир йўналиши бўлган “аҳолининг муҳтоҷ қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш”га қанчалик катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Айни пайтда Ўзбекистонда аҳолининг муҳтоҷ қатламларига хизмат қилувчи ижтимоий таъминот бўлимлари, “Меҳрибонлик” ва ногиронлар уйлари, турли жамғармалар ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатувчи бошқа кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бошқа

мамлакатларда учрамайдиган Ўзбекистоннинг ўзига хос институти – маҳалла томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат шакллари ҳам мавжуд.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқкан ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган [5.329]. Ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларга барҳам бериш, жамият томонидан ҳар бир кишига муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тарақкиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Жумладан 2016-2017 йилларнинг ўзида “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4906 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-2705 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль кунидаги ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, “Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2827 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3268 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони каби қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар юқоридаги фикрларимизнинг яққол далилидир.

2017 йил 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5270 сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармон Республикаизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ-ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яққол ифодаси бўлди, деб айтсан муболага бўлмаса керак. Мазкур фармоннинг қабул қилинишида аҳолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари юқори фаоллик ва дахлдорликни ҳис қилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳамкорликдаги саъй-харакатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашиш юзасидан аниқ тақлифлар ушбу фармонда акс этган. Мазкур тақлифларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар – стратегиясида белгиланган вазифалар асос сифатида олинди.

Фармонга мувофиқ, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларигаabituriyentlarni қабул қилишнинг умумий сонидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фоизли квота ажратиш тартибини жорий этиш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги 4947-сонли Фармони. 2017 йил, 7 февраль.
2. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Ким Л., Исаева Д., Таджиева С., Собирова Д. “Болалар ва оиласалар билан ижтимоий иш амалиёти” курси бўйича хрестоматия. – Т.: - JAHON PRINT, 2012.
4. Фаниева М.Х. ва б. Ижтимоий иш этикаси. Дарслик. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2015.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.12-том. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006.

(Тақризчи: Ф.Турғунбоев, фалсафа фанлари доктори).